

**Таълим соҳасига ажратилаётган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш, кам комплектли умумтаълим муассасалари фаолиятини мақбуллаштириш ҳамда таълим олувчиларга транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яратиш ва ривожлантириш бўйича таклиф.**

Ўзбекистон таълим соҳасига давлат бюджетидан бошқа ривожланган давлатлар билан қиёслаганда бир неча баробар кўп улуш ажратадиган биринчи ўнталиқдаги давлатлардан бири ҳисобланади. Лекин, иккинчи томондан, мажбурий таълим билан қамраб олиниши лозим бўлган ўқувчилар сонининг жами аҳоли сонига нисбатан улушининг кўплиги, таълим оҳасидаги хусусий сектор улушининг эса ўта камлиги таълим тизимидаги ислохотларни амалга оширишдаги кучли таъсир этувчи омиллардир.

Шунинг учун, таълим соҳасига ажратилаётган бюджет маблағларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш масаласи долзарбдир.

Мамалакатимизда жами умумтаълим мактабларининг 10%га яқинида жами ўқувчилар сони 180 нафаргачани ташкил этиб, ундаги битта синф ўртача ўқувчилари сони 8-20 нафаргачани ташкил этади. Шу билан бирга, асосан, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят, туман ва шаҳарлар марказлари яқинидаги аксарият мактабларда битта синфдаги ўқувчилар сонининг белгиланган меъёр(35 нафар)дан ортиб кетганлик ҳолатлари, ҳаттоки 48-50 нафар ўқувчидан иборат синфлар мавжуд.

Умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар сонининг бундай нотекис тақсимланишини аҳоли яшаш ҳудудларидаги бола сонининг бир хил тақсимланмаганлиги ва мактаблардаги ўқитиш сифатининг ҳар хиллиги каби таъсир этувчи омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Мисол учун, 2018 йилда ўрганилган туман бўйича битта синфдаги ўқувчиларнинг ўртача сони 27-28 нафарни ташкил этгани ҳолда, тумандаги 67 та мактабдан 6 тасининг умумий қуввати 1200 ни ташкил этиб, уларда жами 60 га яқин синфларда 800 яқин ўқувчилар таълим олмақдалар. Ушбу мактабларнинг 60 га яқин синфларининг ҳар бир синфида 9 тадан 20 тагача ўқувчи ўқимокда. Шу билан бирга, тумандаги 20 га яқин мактаблардаги битта синфдаги ўртача ўқувчилар сони 25 тагачани, қолган мактабларда эса 35 нафаргачани ташкил этади. 3 та мактабларнинг 10 га яқин синфларида эса ўқувчилар сони меъёрдаги 35 нафардан ортиб кетган.

Бу каби ҳолатни республикадаги барча туман ва шаҳарларда ҳам кузатиш мумкин.

Жами ўқувчилар сони 100 нафаргача бўлган кам комплектли умумтаълим муассасаларини (филиалларни) бир йилдаги молиялаштириш учун ажратилаётган маблағларнинг битта ўқувчига тўғри келадиган улуши

юқори қувват билан ишлаётган мактаблардагидан 2-3 баробарга кўпни ташкил этади.

Шунинг учун, синфлардаги ўқувчилар сонининг ўта камлиги йўналтирилади маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини пасайтираётган бўлса, ўқувчи сонининг белгиланган меъёрдан ортиб кетганлиги эса синф хоналари майдонининг етарли эмаслиги, ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан индивидуал ишлашни қийинлаштиргани каби сабабларга кўра таълим сифатига салбий таъсир этмоқда.

Ўқувчилар сони меъёрдан ортиб кетган ҳолатларни давлат бюджетининг кўшимча маблағлари эвазига янги синфлар очиш орқали ҳал этиш эса оғир молиявий қийинчиликларни пайдо қилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги N 140 сонли қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисида НИЗОМга асосан, кам комплектли умумтаълим муассасаларида (филиалларда) жами ўқувчилар сони 8 нафаргача бўлган I - IV синфлар, жами ўқувчилар сони 12 нафаргача бўлган учта бошланғич синфлар ҳамда ўқувчилар сони 24 нафаргача бўлган иккита бошланғич синф (I ва III синфлар, II ва IV синфлар) битта синфга бирлаштирилиб ўқитилиши мумкинлиги белгиланган.

Турли босқичдаги синф ўқувчиларининг, масалан, 1-синф ва 3-синф ўқувчиларининг юқоридаги каби ҳолатларда битта синфга бирлаштирилиб ўқитилиши таълим сифатига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, жорий ўқув йилида кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) ҳар бирида жами синфлар сони 10 та бўлгани учун бундай умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанлардан фақат 3 таси бўйича 1 ставкадан ортиқ, 5 таси бўйича эса 0,5 ставкадан ортиқ дарс бўлгани ҳолда қолган фанлар бўйича мавжуд дарс соатлари ҳажми 0,5 ставкадан ҳам камроқни ташкил этади. Фан соатлари ҳажмининг 0,5 ставкадан ҳам камлиги тегишли ўқитувчилар учун бошқа мактаблардан ҳам иш қидиришларига олиб келади.

Германия, Англия, Япония, АҚШ каби ривожланган давлатларда оналарнинг ойлик бадал тўловлари асосида пулли мактаб автобуслари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги фақатгина ўқувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадидагина эмас, балки, юқоридаги каби ҳолатларда ортиқча сарф-ҳаражатларнинг олдини олиш, иқтисодий самарадорликка эришишга ҳам хизмат қилади.

Республикамиз бўйича ўқувчилари сони 200 дан кам бўлган мактаблар сони 1000дан ортиқ эканини, бундай мактаблар учун бир йилда тахминан 500 млрд. сўмдан ортиқ бюджет маблағлари сарфланаётганлигини эътиборга

оладиган бўлсак таълим соҳасига ажратилаётган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш ва ўқувчи сонини меъёрдан ортиб кетишини олдини олиш орқали таълим сифатини кўтариш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун, ривожланган давлатларнинг тажрибасини таълим тизимига жорий этган ҳолда таълимга йўналтирилаётган маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги ошириш, битта синфдаги ўқувчи сонининг меъёрдан ортиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида республикада таълим олувчиларга транспорт хизматини кўрсатиш учун энгил автомашиналар ва мактаб автобуслари фаолиятини босқичма-босқич жорий этиш орқали кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) фаолиятини мақбуллаштириш таклиф этилмоқда.

40-45 км масофага қатновчи автобуслар учун белгиланган бир кунлик режаси ёқилғи харажатларини ҳам ҳисобга олганда ўртача 240 минг сўмни ташкил этади.

24 ўринли битта автобус ёрдамида кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) 100 нафаргача ўқувчиларни бошқа 10 км радиусдаги бириктирилган умумтаълим мактабларига ташишни синфлардаги кунлик биринчи ва охириги дарс машғулотларининг бошланиш ва тугаш вақтини 1 академик соат фарқи билан ташкиллаш мумкин. Бунда, ҳар бир ўқувчи ҳисобига бир ўқиш куни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5% и миқдорида йўл ҳақи харажатлари учун бир кунда 258 минг сўм ёки 175 кундан иборат ўқув йили бўйича жами 45,15 миллион сўм маблағ транспорт корхонасига тўлаб берилади. Бундай автобусларга бўш бўлган вақтида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш имконияти ҳам яратилиши мумкин. Фаолияти мақбуллаштирилиши мумкин бўлган кам комплектли умумтаълим муассасаси учун бир йилда 400-450 миллион сўм йўналтирилаётганлигини инобатга олинса, бўшайдиган маблағлар ҳисобига ушбу таклифни амалиётга жорий этиш имконияти ортади.

Бунинг учун, бошқа умумтаълим муассасаларига яқинлиги ҳамда моддий-техник базасининг ҳолатидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари молия бўлимларининг таклифларига кўра, тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарорлари асосида биринчи навбатда юқоридаги каби жами ўқувчи сони 100 ёки 180 нафардан кам бўлган кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) фаолиятини мақбуллаштириш, яъни улардаги ўқувчиларни бепул транспорт хизматини йўлга қўйиш орқали бошқа мақбул умумтаълим муассасаси синфларига бириктириш;

фаолияти мақбуллаштирилган кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) ўқувчиларига бепул транспорт хизматини кўрсатувчи йўловчи ташиш субъектларига патент тўловларини тўлашдан озод қилиш, уларга ягона солиқ тўловларни тўлашда имтиёзлар бериш каби солиқ имтиёзлари бериш, шунингдек, уларга ҳар бир ўқувчи ҳисобига бир ўқиш куни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1-1,5% и миқдорида йўл ҳақи ҳаражатлари учун маблағ тўлаб бориш;

фаолияти мақбуллаштирилган кам комплектли умумтаълим муассасаларини (филиалларни) бир калаендар йили бўйича молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағларнинг 50%игача қисмини ўқувчилари бириктирилган умумтаълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, у ерда зарур бўлган ҳолда директор ўринбосари лавозими бўйича янги штатлар ажратишга, ҳудуддаги битта синфдаги ўқувчилар сони меъёрдан ортиб кетган ҳолатлар бўйича қўшимча синфлар ташкил этишга, йўловчи ташиш субъектларига ҳар бир ўқувчи ҳисобига йўл кира ҳаражатларини тўлашга, бўшаган биноларни самарали фойдаланишга топширилгунигача қадар сақлашга, қолган 50%игача қисмини эса ҳудуддаги ички йўллар ҳолатини ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга йўналтириш;

шунингдек, ўқувчиларга йўловчи ташиш хизмати кўрсатиш учун ажратиладиган транспорт воситасига ҳамда ҳайдовчига қўйиладиган талабаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ўқувчиларга йўловчи ташиш хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, иш жойи қисқартирилиши натижасида ишсиз қолган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда бўшаган биноларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

бошқа таълим муассасалари ўқувчилари учун ҳам ҳар бир ўқувчи ҳисобига бир ўқиш куни учун энг кам иш ҳақининг 1,5% и миқдоридан кўп бўлмаган йўл ҳақи эвазига йўловчи ташиш бўйича пуллик хизматни йўлга қўйиш ҳамда бундай тадбиркорлик субъектларини лицензия тўловларини тўлашдан озод қилиш, жисмоний шахсларга яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, тегишли лицензия олган ҳолда (ўриндик жойлари 4 йўловчидан ортиқ бўлмаган такси) 16 нафардан кам бўлмаган ўқувчиларга юқоридаги шартлар асосида хизмат кўрсатган тақдирда қатъий белгиланган солиқ ставкасини ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баробари миқдорида, лицензия бериш учун давлат божини йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баробари миқдорида тўлаш бўйича имтиёзлар бериш тақлиф этилмоқда.

Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида таълимга йўналтирилаётган маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги ошади,

битта синфдаги ўқувчи сонининг меъёрдан ортиб кетмаслигини таъминлашнинг иқтисодий имконияти пайдо бўлади,

таълим олувчиларга транспорт хизмати кўрсатиш бўйича янги иш ўринлари яратилади, жорий этилиши назарда тутилган “Қишлоқлар ва шаҳарларда транспорт хизматини янада яхшилаш дастури”да кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширилишига ҳам хизмат қилади,

янги ижтимоий хизмат турини жорий этиш орқали ўқувчиларга қулайликлар яратилади,

фаолияти мақбуллаштирилган жами ўқувчи сони 100 нафаргача бўлган битта кам комплектли умумтаълим муассасасига (филиалига) йўналтирилаётган бюджет маблағларининг 50%гача (республика бўйича жами ўртача 200 млрд. сўм) тежаш ва ушбу маблағларни ҳудуддаги ички йўллар ҳолатини ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга йўналтиришга эришилади.

Бўшайдиган умумтаълим мактаблари биноларидан “Баркамол авлод” марказлари, Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, мусиқа ва санъат мактабларининг филиалларини ташкил этишда ҳамда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ёки бугуннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган аҳолининг уй-жой қуриш учун ерга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадлари учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Ушбу таклиф қўллаб-қувватланган тақдирда “Таълим олувчиларга транспорт хизматини кўрсатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси янги Қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳам мумкин бўлади.

Умумтаълим мактабларидаги мавжуд долзарб масалаларнинг ҳал этилишига хисса қўшиш ниятида баҳоли-қудрат тайёрланган юқоридаги таклифларни қўллаб-қувватлашингизни илтимос қиламан. Ушбу таклифларни қўллаб-қувватлаган тақдирингизда, тегишли қарор қабул қилиниши учун қарор лойиҳаси ҳам илова қилинади.

Ҳурмат билан,

**А.Т.Абдуқодиров**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**Таълим соҳасига ажратилаётган маблағларнинг самарадорлигини ошириш, кам комплектли умумтаълим муассасалари фаолиятини мақбуллаштириш ҳамда таълим олувчиларга транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яратиш ва ривожлантириш тўғрисида**

Ўзбекистон таълим соҳасига давлат бюджетидан бошқа ривожланган давлатлар билан қиёслаганда бир неча баробар кўп улуш ажратадиган биринчи ўнналикдаги давлатлардан бири ҳисобланади. Лекин, иккинчи томондан, мажбурий таълим билан қамраб олинмиши лозим бўлган ўқувчилар сонининг жами аҳоли сонига нисбатан улушининг кўплиги, таълим оҳасидаги хусусий сектор улушининг эса ўта камлиги таълим тизимидаги ислохотларни амалга оширишдаги кучли таъсир этувчи омиллардир.

Шунинг учун, таълим соҳасига ажратилаётган бюджет маблағларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш масаласи долзарбдир.

Мамалакатимиздаги умумтаълим мактабларининг 10%га яқин сондаги мактабларида битта синф ўртача ўқувчилари сони 8-20 нафаргачани ташкил этади. Шу билан бирга, асосан, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят, туман ва шаҳарлар марказлари яқинидаги аксарият мактабларда битта синфдаги ўқувчилар сонининг белгиланган меъёр(35 нафар)дан ортиб кетганлик ҳолатлари, ҳаттоки, 48 нафар ўқувчидан иборат синфлар мавжуд.

Синфлардаги ўқувчилар сонининг ўта камлиги бундай синфларга йўналтирилган маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги пасайтираётган бўлса, ўқувчи сонининг белгиланган меъёрдан ортиб кетганлиги эса синф хоналари майдонининг етарли эмаслиги, ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан индивидуал ишлашни қийинлаштиргани каби сабабларга кўра таълим сифатига салбий таъсир этмоқда. Бундан ташқари, синф ўқувчиларининг сони озчиликни ташкил этганда 1-синф ва 3-синф ҳамда 2-синф ва 4-синф ўқувчиларининг битта синфга бирлаштирилиб ўқитилиши ҳолатлари ҳам таълим сифатига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Кўпгина ривожланган давлатларда ота-оналарнинг ойлик бадал тўловлари асосида пулли мактаб автобуслари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги ўқувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш билан бирга

ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш, маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини ортишига хизмат қилади.

Ривожланган давлатларнинг тажрибасини таълим тизимига жорий этган ҳолда таълимга йўналтирилаётган маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги ошириш, битта синфдаги ўқувчи сонининг меъёрдан ортиб ёки ўта камайиб кетмаслигини таъминлаш механизмларини, янгича ижтимоий хизмат турини жорий этиш орқали ўқувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида:

1. 2019/2020 йил ўқув йилидан бошлаб бошқа умумтаълим муассасаларига яқинлиги ҳамда моддий-техник базасининг ҳолатидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари молия бўлимларининг таклифларига кўра, тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарорлари асосида биринчи навбатда юқоридаги каби жами ўқувчи сони 100 ёки 180 нафардан кам бўлган кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) фаолиятини мақбуллаштириш, яъни енгил автомашина ва автобус қатнови орқали бепул транспорт хизматини йўлга қўйиш билан улардаги ўқувчиларни бошқа мақбул умумтаълим муассасаси синфларига бириктириш учун кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) фаолиятини мақбуллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

2. Таълим олувчиларга транспорт хизматини кўрсатувчи транспорт воситаси самарадорлигини ошириш мақсадида (ўқувчи сони 100 ёки 180 нафардан кам бўлган) кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) ўқувчиларини 5-10 км радиусдаги бошқа бириктирилган умумтаълим мактабларига ташишни синфлардаги кунлик биринчи ва охириги дарс машғулотларининг бошланиш ва тугаш вақтини 1 академик соат фарқи билан ташкиллашга рухсат берилсин.

3. Кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) ўқувчиларини 5-10 км радиусдаги бошқа бириктирилган умумтаълим мактабларига ташиш фаолияти мақбуллаштирилган умумтаълим муассасасини молиялаштиришган йўналтирилган бўшайдиган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

4. Таълим олувчиларга транспорт хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига:

ҳар бир ўқувчи ҳисобига бир ўқиш куни учун энг кам иш ҳақининг 1,5%и миқдорида йўл ҳақи харажатлари учун ўқув йили кунлари бўйича маблағлар тўлаб берилади.

Таълим олувчиларга транспорт хизматини кўрсатувчи транспорт воситаси орқали, бундай хизматдан бўш бўлган вақтда, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

фаолияти мақбуллаштирилган кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) ўқувчиларига бепул транспорт хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари патент тўловларини тўлашдан озод қилинади,

уларга ягона солиқ тўловларни тўлашда 50%гача имтиёз берилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, фаолияти мақбуллаштирилган кам комплектли умумтаълим муассасаларини (филиалларни) бир калаендар йили бўйича молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағларнинг 50%игача қисмидан:

- ўқувчилари бириктирилган умумтаълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга,

- у ерда зарур бўлган ҳолда директор ўринбосари лавозими бўйича янги штатлар ажратишга,

- ҳудуддаги битта синфдаги ўқувчилар сони меъёрдан ортиб кетган ҳолатлар бўйича кўшимча синфлар ташкил этишга,

- йўловчи ташиш субъектларига ҳар бир ўқувчи ҳисобига йўл кира харажатларини тўлашга,

- бўшаган биноларни самарали фойдаланишга топширилгунига қадар сақлашга,

қолган 50%игача қисмини эса кейинги беш йил давомида ҳудуддаги ички йўллар ҳолатини ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга йўналтиришга рухсат берилсин.

6. Бир ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда таълим олувчиларга транспорт хизматини кўрсатиш учун ажратиладиган транспорт воситасига ҳамда ҳайдовчига қўйиладиган талаблар ҳамда таълим олувчиларга транспорт хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

7. Кам комплектли умумтаълим муассасаларининг (филиалларнинг) фаолияти мақбуллаштирилганлиги сабабли иш жойи қисқартирилган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда бўшаган бино ва майдонларни



сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Бунда бўшайдиган умумтаълим мактаблари биноларидан “Баркамол авлод” марказлари, Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, мусиқа ва санъат мактабларининг филиалларини ташкил этишда ҳамда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бўшайдиган ер майдонларидан аҳолининг уй-жой куриш учун ерга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадлари учун ҳам фойдаланиш назарда тутилсин.

8. Бошқа таълим муассасалари ўқувчилари учун ҳам ҳар бир ўқувчи ҳисобига бир ўқиш куни учун энг кам иш ҳақининг 1,5% и миқдоридан кўп бўлмаган кунлик йўл ҳақи эвазига йўловчи ташиш бўйича ота-оналар бадали ҳисобига пуллик хизматни йўлга қўйиш ҳамда бундай хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари қатъий белгиланган солиқ ставкасини ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорида, лицензия бериш учун давлат божини йилига энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорида тўлаш бўйича имтиёзлар берилиши белгилансин.

Бунда битта транспорт воситаси бир кунда ўриндиқ жойлари сонидан 4 мартагача кўп сондаги ўқувчиларга хизмат кўрсатишлиги назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. Мирзиёев**